


**БАРЧАНИ
ЎСТУН**



КОЗОГИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

20 май куни Алмати шаҳри марказидаги Республика саройида Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Унда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табрик нутқи сўзладилар.

Маросим сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФ

22 май куни Покистон Бош Вазири Беназир Бхутто расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланган қатор ҳужжатлар имзоланди.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Республикаимизда солиқ идораларининг назоратчилари савдо соҳасидаги кўпгина ноҳақликларнинг олдини олишга эришмоқдалар. Бу борада Ўзун тумани солиқчилари барчага ўрнак бўлаяпти. Улар рейдларидан бирида харидор ҳақидан уриб қолганлиги учун сотувчи А. Бобоевни катта миқдорда жарима тўлашга, У. Қосимовани эса бутунлай савдо соҳасидан кетишга мажбур этдилар.

«БИЗНЕС-ИНКУБАТОР» САМАРҚАНДДА

Республикаимизда ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, бизнес сирасорларини ўргатувчи «Бизнес-инкубатор» марказлари очиш режалаштирилган эди. Бундай марказлардан бири яқинда Самарқанд шаҳрида очилди.

Самарқанд Меъморчилик ва қурилиш институти қошида очилган ушбу марказда қирққа яқин тадбиркор бизнес сирларини пухта ўрганишмоқда.

ХОТИРА КЕЧАСИ

Пойтахтнинг Муқимий номидаги театрида таниқли бастакор Матниёз Юсупов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кеча сўнгида республикаимизнинг таниқли санъаткорлари ижросида Матниёз Юсупов асарларидан тузилган концерт намойиш этилди.

ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Ҳўжаев таваллудининг 85 йиллигига бағишланган аскиячи ва қизиқчиларнинг кўрик-танлови ўтказилди.

Унда бухоролик қизиқчи Шухрат Қодиров мутлақ голиб деб топилди.

**ЎЗА ва матбуот хабарлари
асосида тайёрланди**



Водиллик аёл.

Умида Аҳмедова сурати

БОЗОРДА КЎПДИР КИШИ...

Эски Жува бозорида бир йигитча машинада келтирилган помидорнинг бир яшигини олди-да, бериқоққа келиб харидорларни чорлай бошлади:

— Кеп қолинг, ҳозиргина узилган сапсем свежий памидорга!

Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турганим учун қизиқиб сўрадим:

— Неччи пулдан сотаясан?

— Ўн саккиздан оқхон. Қанча тортай?

— Ие, 15 дан олиб, 18 дан сотаясанми?

— Ҳа-да, 15 дан олсангиз, нариқоққа боришингиз керак, қолаверса навбат кутасиз, мен эса сизга қулай бўлсин деяпман-да тақсир.

— Э, қойил-э, — дедим пичинг билан олгир йигитчага. Аммо у киноямга эътибор ҳам бермай, бақиринишда давом этди:

— Кеп қолинг, ҳозиргина даладан опкелдим...

А.КАРИМОВ

**УМБУ
СОҲДА:**

2 бет

• Муҳаррир

суҳбатга чорлайди

3 бет

• Тўрдаги кишига

таъзим

4-5 бет

• Зулфия —

садоқат ва вафо

куйчиси

8 бет

• Бадахшонлик

уч афанди

**ОБУНА
ДАВОМ
ЭТМОҚДА**

Севимли газетангиз

«Оила ва жамият»га 1995

йилнинг 2 ярми учун

обуна давом этмоқда.

ОБУНА БАҲОСИ:

3 ойга — 42, 90 тийин.

6 ойга — 85, 90 тийин.

Газета индекси: 64654

Не учун севамиз, Ўзбекистонни

Бани одам учун ҳамиша она сутидек азиз бир ҳилқат мавжуд. Бу киндик қони тўкилган Ватан. Ватан — кунгилдаги энг покиза ва мусаффо туйғуларга руҳ берувчи, илоҳийлик бахш этувчи маскан...

Инсон. У тугилиб ўсган заминга кунгилнинг синажақ каъбаси янглиғ қарайди. Унинг табиати нақадар қизиқ, У ҳаерда яшамасин, қанчалик эҳтирому эъзозларга сазовор бўлмасин, ҳамиша дил-дилдан киндик қони тўкилган тупроққа интилаверади. Уша жойда қанақа шароит бўлмасин, ҳаммасидан

Муҳтарам ўқувчимиз, сарлавҳада гап Навоий ҳақида-ку, дея ажабланаётган бўлишингиз табиий.

Аллома шоиримиз қатор асарларида тугилиб ўсган шаҳри Хиротни бағоят шоирона ардоқ ва меҳр билан тилга олганини кузатиш мумкин. Ҳатто, шоир Хиротни муслмон олами сигинадиган — Каъбага қиёс этади. Жумладан, «Вақфия» асарида Навоий Ҳусайн Бойқаро 1476 йилда уй-жой ва фойдаланиш учун унга ер инъом этгани ҳақида ёзиб, бу ерни «...салтанат маркази жаннат боғи сингари безакли ва Байт ул-ҳарам каби

дас жой — тугилиб ўсган Ватан сифатида жуда азиз. Бу юрт шоир наздида дуненинг ҳеч ерига қиёс этиб бўлмайдиган, айрича жой. Унинг Ироқу Ҳижозга йўл олмаслигига бир томондан ана шу Хирот мулкнинг низоҳати, унга бўлган садоқати сабаб, чунки бу ер мусаффо, покиза илоҳий маскан, байт ул-ҳарамдек жой! Агар қўзингиз тушган бўлса, «Оила ва жамият» рўномасининг 1992 йил 24-сонидagi, «Навоий ҳажга борганими?» сарлавҳали мақоламизда ҳажга боролмаслик улуг шоир учун бир армон бўлгани, иккинчи томондан эса, юртни,

сарруфидин ва тақаллуфидин Хиротнинг зеб ва зийнати бирга ун, балки йигирма тараққий қилиб эди». Албатта, бунга эришишда маърифатгуй подшоҳ ёнидаги Навоийдек тадбиркор дуст, маслаҳатгуй, ўз заминига, элига, миллатига садоқати устувор зотнинг ҳиссаси бекиёс бўлган.

Шоир зулм ва жаҳолат мавжуд бўлган ўз даврининг жафоларидан қанчалик изтиробларга тулиб кетган бўлмасин, ҳар доим она Ватанига, дўсти — темурийлар салтанатининг ҳукмдорига садоқатини очиқ-ойдин ифодалади:

Навоий, ўзга шаху ўзга кишвар
Этма ҳавас,
Ки, топмагун шахи Ғозий била
Ҳири янглиғ.

Англашилмоқдаки, шоирнинг она шаҳри ҳақидаги уйлари-ю эътирофи Ватан туйғуси, юртга муҳаббати, яшаш тарзи, ўз даври ҳамда замондошларига муносабатлари билан ўз-ўзидан ажаб.

Яна бир жиҳат. Навоий Хиротни кенгрок маъносида — биргина шаҳарнинг жугрофий атамаси сифатида эмас, балки Хуросон мамлакатини англатиш маъносида ҳам истифода этади. Хиротни «Ҳири» ё «Ҳирий» деб қўллаган уринларда нозик лутф ёхуд эрқалаш тарзидаги ифодаларни кузатиш мумкин. Ахир, ким ҳам ўз киндик қони тўкилган маскани ҳавас, гурур ва фарзандларча эрқаланиш билан тилга олмайдиган, дейсиз. Бу оддий ҳақиқат-ку. Энг оддий ҳақиқатлар ҳам кучли бўлар экан. Навоий даврининг тарихнависи Мирхондин «Равзатуссафо» асарида Хиротнинг «Хуросон мулкнинг келини», деган таъриф билан тилга олинганини қўриш мумкин. Навоий ана шу «Хуросон мулкнинг келини»га бўлган бағоят ишқу муҳаббати билан яшади, умрининг сўнгига қадар ундан садоқату вафодорлигини аямдади.

Ҳазрат Навоий учун бекиёс мулки Хирий низоҳати азиздан азиз эди. Чунки унинг бутун эзгу ишларига ҳам, она-Ватан тақдир ҳақидаги кекис уйлари, мақсад ва интилишлари чилпарчин бўлган пайтлардаги изтиробларига ҳам кўпроқ шу илоҳий, покиза маъво — она Хирот гувоҳ бўлганди! Мана шунинг учун улуг шоир барча ҳузур-ҳаловатдан тийилиш, нафс балосидан чекиниш, тортиниш, поканиш учун тавоф қилинадиган Каъба истагини ҳам шу она Хирот қондиралади, деган шоирона қатъий ҳукми чиқаришга азм этган:

Навоий, айш учун дайру рибзат
Чекали Каъба
Гар истарсен, бу икки ишга йўқтур
ер Ҳири янглиғ.

Қаранг, улуг инсонларнинг бетакрор ижодлари ҳар бир замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагандек, уларнинг ҳаётга, ўзини қўраган мўҳитга, замонига бўлган инсоний муносабату қарашлари ҳам жуда ибратли.

Хуллас, азиз фарзандларимизни ўз она-Ватанига кекис ҳурмату муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жуда бой бадиий меросимиз ва гузал тарихимиз, қадриятларимизни ургатмасдан, сингирмасдан туриб, жиддий самаралар қўтишимиз сароб бўлиши турган гап.

Тўйгун ХОЛМАТОВ,
ЎзҒА Адабиётшунослик
институтини ходими

НАВОИЙ КАЪБАСИ

бир улугвор туйғу — юрт меҳри устунлик қилаверади. Беихтиёр ўз тупроғида муъжазгина бўлса-да, уй-жойи — ватани бўлишини хоҳлайди. Дарвоқе, халқимизда: «ўз уйинг — улан тушагинг», — деган нақл беҳиз айтилмаганга ўхшайди.

Ҳар ҳолда одамзодга бу узоқ аждодлардан, ҳаттоки Одам Ато замонидан мерос абадий туйғулардан бири бўлса керак. Бу ҳақда Қуръони Каримда ҳам махсус сура ва оятлар келтирилган. Одам алайҳиссалом жаннатдан ерга тушганларида Тангри таоланинг амрлари билан биринчи қўрган уйлари — Байтуллоҳ бўлган экан. Бу ҳақда Қуръони Каримни ўзбек тилига ўғирган Алоуддин Мансурнинг қўйидагича изоҳини ўқиш мумкин: «...Нух пайғамбар замонларида бўлган тўфон балосида Оллоҳ таоланинг фармони билан фаришталар у уйни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетган экан. Хадиси шарифда айтилишича уша даврдан буён самоддаги Байтуллоҳни ҳар кун етмиш минг фаришта тавоф қилар, аммо Оллоҳнинг лашкари бўлмиш фаришталарнинг саногии шу қадар беадад эканки, ҳанузгача бир фаришта икки марта тавоф қилишга улгурмаган экан. Ана уша самога олиб чиқиб кетилган Байтуллоҳнинг ўрнини Тангри таоло Иброҳим алайҳиссаломга билдириб, уша жойга барча муслмонлар учун қибла бўлган Байтуллоҳ бино қилишни буюрган». Байтуллоҳ — ҳозирги Маккадаги бутун муслмонлар сигинадиган Худонинг уйи — Каъба эди. Бу ердаги масжид Байт ул-ҳарам деб аталади.


Нега биз буларни эслаяпмиз?

шарафли, фаришталар билан биргача Хиротнинг шимол томонида эди», — дея таъкидлайди. Бу шунчаки шоирона таърифгина эмас, аини чоғда шоирнинг Она Хиротга бўлган муҳаббатининг бадиий сўздаги табиий ифодаси эди.

Навоийнинг бундай эътирофи вобаста сатрларини ғазалларида ҳам кўп учратамиз. Масалан, биз «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг бир ғазалида қўйидагича байтни ўқиймиз:

Навоий улмасига озиму
Ироқу Ҳижоз,
Магар низоҳати мулки
Ҳирий эрур боис.

Қаранг, Навоий ҳарчанд Ҳижоз, Ироқ сафари орзусини қилмасин, Ҳирий, яъни Хирот унинг учун энг покиза ва муқад-



тугилиб ўсган маскани ташлаб ҳижратга кетиш кўнглига маъюслик солишини таъкидлаган эдик.

Мавжуд илмда Навоий темурийларнинг Хуросон мамлакатига қарашли бошқа шаҳар ёхуд улқаларида ҳам ўзини Ватандан четда, гурбатда ҳис қилган, деган эътироф ҳукм суриб келмоқда. Бу бир томондан тўғридир. Шоир салтанатга қарашли қайси шаҳар еки улқаларга бормасин, аксар ҳолларда бу ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар тўғрисида юз берган. Ана шундай кезларда маҳзун сатрлар шоирона дард билан қозға тўкилаверган. Унинг

бутун вужуди Она Хирот сари талпинаверган. Аммо, таъкид жойизки, Хуросон, балки темурийлар салтанати учун, унинг обрў-эътиборининг юксалишида Навоий ўзини жуда масъул деб билган. Унинг учун барча шаҳар ва мулкларнинг ободонлиги, адолатлилик билан бошқарилиши муҳим бўлган. Шу маънода мана бу сингари байтлар ҳам битилган:

Хиротдин агар ўт тўша
Сабзаворғача,
Булай самандару тортай ўзумни
ёргача.

Дарвоқе, Хирот, балки бутун Хуросон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида бир неча муддат нисбий барқарорликка юз тутган, маданий-маърифий ишлар, адабиёт ва санъат бағоят юксалган эди. Бу ҳақдаги энг одил баҳони Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида ўқиймиз: «Яна Ҳирийимким, рубий маскунда андоқ шахр йўқтур ва Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг та-

Бир куни

«ТИРМИЗАК» БОЛАКАЙ

Олам аро турфа гуллар ифори кезади. Нилий самодда чараклаб турган қуёш қалбларга инжу шаффофлик бахш этмоқда. Шундай пурзиё кунларнинг бирида кутаринки кайфият билан уйдан чиқдим. Бекат ишга, бозор-учарга шошиллаётган одамлар билан гавжум.

Ниҳоят мен кутаётган автобус ҳам бекатга келиб тўхтади. Беш-олти чоғли йўловчи 54-йўналиш буйича қатнайдиган автобусга чиқдим. Автоуловчироз юргач, йўловчилар кўпайиб қолди. Бир вақт «Тирмизак» болакайсан-ку, нега ўзингдан каттага жой бермайсан? Сен патта олган бўлсанг, менда ҳам бор ўша матоҳдан» деган аёл кишининг қаҳрли овози ҳаммани уриндикдаги 10-12 ёшли болакайга қарашга мажбур этди. Бу муомаладан эсанкираб қолган ўспирин сассиз йиғлаб юбордида, ёнида ўтирган кишига (у отаси эди, шекилли) «тушамиз, тушиб қоламиз», дея уқиниб

илитжи қилди. Ота жуссаси қуримсизгина ўғлини даст кўтариб, амал-тақал олдинга жилди. Тиқилинчда болакай шимининг поччалари кўтарилиб кетди. Шу кезде кўзим унинг ёғоч оёқларига тушиб, устимдан бир пақир муздедек сув қуйгандек бўлди. Гарчи, ҳали навбатдаги бекатгача узоқ бўлса-да, болакайнинг ўқиниши таъсириданми, ҳайдовчи машинани секинлатиб, сўнг оҳиста тўхтатди. Ота-бола тушиб кетишди. Ҳаёлимга нималар келганини англамай, мен ҳам улар ортидан тушдим.

Фарзандини опичлаб олган ота-ю, кўнгли ўқисик болакай қалбига бирров таскин, тасалли бериш истаги менга тинчлик бермади. Аммо... ота-бола менинг таскинима умуман эътибор бермай муюлишдаги истироҳат боғи томон равона бўлишди... Эрталабки кутаринки кайфиятимдан эса асар ҳам қолмаганди.

Раҳмон ҚОДИР

Муассислар ҳаётидан

ҚОБИЛИЯТЛИЛАРНИ
ТАНЛАЙМИЗ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасига қарашли «Нафис» фирмаси 50, 145, 161 ва 302 сонли мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида қизиқарли конкурс уюштирди. Тадбирдан қўзланган мақсад эса ёшлар орасидан қобилиятли ва билимлиларини танлаб олиш эди. Утқазилган конкурсга шаҳар биржа маркази ва «БВВ» газетаси таҳририяти ҳомийлик қилишди.

Конкурсда голиб чиққанлар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Х.АЗИМОВ

Онамни эсласам соғинчлар гирдобиди чўлганаман. Хавлим кишлоққа учади. Хотиралар...

Бола эдим. Бир куни мактабдан келсам, отам томорқадаги ариқ бўйларига бир текис қирқилган тирак қаламчаларини қадаб чиқайтган экан. Ишларини тугатиб менга: — Ҳар куни сув куйиб турсанг, ушиб катта катта дарахт бўлади, — дедилар.

Мен эса шу оддий чўпларнинг улкан дарахтларга айланишини тезроқ кўргим келар, кунига тонгда туриб новдаларга сув ташиб қуярдим.

Йиллар ўтди. Азим мирзатеракларнинг ҳар бири кулоҳ етмас бўлди. Тераклардан уч укамга уч бошпана тикланди. Мен эса... Ҳамон яшилликка, гулларга ўчман. Ҳар тонгда майсалар хидини соғиниб уйганаман.

Уйлайман: табиати ардоқламоқни илк бор отамдан ўрганган эканман!

Бир куни отам кўлимга китоб тутказди: — Бундаги эртакларни ўқи, қизим. Кейин укаларингга ҳам айтиб берасан.

Шу куни кичкина боғимизда утириб, китоб ўқишга тутиндим. Нигоҳларим эртақдан-эртаққа кўчаркан, кўёшга қараб-қараб қуярдим. Кеч бўлмасайди, дердим.

Йиллар ўтди. Ҳамон кутубхоналар кўзимга оловдек кўринади. Китоблар оламида узимни унутаман.

Уйлайман: китобга меҳрин илк бор кўнглимга отам солган экан.

Баъзан отам шундай деб қолардилар: — Мана шу кишлоқ, шу баланд-паст уйлар сен учун дунё қадар кенг. Сен бу дунёга бор меҳрингни бергансан. Аммо, улғайганинг сайин назарингга кишлоқ тобора кичирайиб бораверади. Фақат... Ушанда ҳам кишлоққа бўлган меҳрингни ҳеч йўқотма, қизалогим. Чунки, у сенинг илк Ватанинг...

Йиллар ўтди. Мен яшаётган улғу шахар олдида кишлоғим нақадар кичик. Лекин, уни эсласам... катта шахарга сиғмай қоламан!

Уйлайман: Ватанга муҳаббат кўймоқни илк бор отам ўргатган экан!

Йиллар, йиллар-а. Қанча сувлар оқиб кетди. Куйинчак ва мунис онам мендек ношуд қизалогини адоқсиз рўзгор юмушларига чоғланган бўлсалар, отам доимо маънавияту маърифатдан сабоқ бериб келган эканлар.

Онамнинг айтишларича эр кишини улғулашда энамга тенг келадиган аёл бўлмаган экан. «Болаларининг отаси кучадан келганида иргиб ўрнидан турмаган, «яхши келдингизми?» дея пешвозига чиқмаган аёлни мен аёл ҳисобламайман, — дер эканлар энам гоҳида

насихатомуз.— Эр — ярим худо, дейдилар болам. Шу гапим доимо қулогингда турсин».

Баъзан отам энамни кўр-

ТЎРДАГИ КИШИГА ТАЪЗИМ

(ЁХУД ОТА ИЗЗАТИ ҲАҚИДА КЎНГЛИМДАН КЕЧГАНЛАРИ)

гани бориб қолсалар, улар ҳатто бемор ётган бўлсалар-да, ўринларидан турмоққа уринаркан. Шунда отам шошиб қолиб, «Э, онажон, безовта бўлманг!» деса ҳам, «Кўйинг, эркак кишининг фариштаси улуг. Ахир кўёвни пайгамбарлар ҳам сийлаган-а, болам» — деб отам билан қаддини кўтариб кўришарканлар.

Мен ота деган сўзнинг жуда муқаддаслигини ҳис этаман. Усмирлигида отаси қаҳо қилиб кетган дугонама гоҳо кўзлари ёшланиб: — Қани эди, ногирон бўлса-да тирик юрсалар эди, сояларига кўрпача ёзиб, мудом хизматларида бўлардим, — дея ўқинганида бу муқаддаслик янада теранлашади.

Яқинда бир йигит арзумаган сабаб билан ўз отасини... Мен бу оқпадарларнинг инсон боласи эканига ишонмайман! Инсон боласи шу қадар тубанликка бори етиши мумкинми, ахир. Ҳатто ҳадисларида: «Кимки ўз отасининг жонига қасд қилса, олти ойдан сўнг ўзининг ҳам қазоси етади!» дейилган...

Бугунги кунларимизда битта-битталла қайта кашф этилаётган маънавий бўлоқларнинг шифобахш обизам-замлари фарзандларимизни ҳидоят йўлига бошлайди, кўнглига яхшилик уруғини сочади. Яхшилик эса дунёни безайди. Дунё яхшиларгагина суянади. Лекин, қайсидир хилватларда ёмонлик ҳам ўз умрини яшаб юради. Гуноҳлар кўпаяверади. Ҳар яхшиликка мукофоти ҳам, ҳар ёмонликка жазони ҳам аввало Яратганнинг ўзи беради. Аммо, уртада виждон таразуси бор. Инсон қачондир ўз қилмишларини ана шу таразуда бирма-бир улчашга мажбур...

Инсон умри нақадар қисқа. Ҳаётда виждон оғриқларисиз, оддий бир одамдек яшаб ўтмоқлик лаззатига не етсин. Аслида инсон номини кўтариб юрмоқнинг ўзида бир масъулият. Ота деган муқаддас номга доғ туширмоқ эса катта гуноҳ. Мен оталарнинг ҳаммасини яхши дегим келади. Уларнинг оилада, фарзандлари ва жамият олдида ўз ўринлари, ўз бурчлари бор. Жамият кўпроқ оталарга суянади...

Эркак — оиланинг таянчи. Таянчсиз иморат омонат бўлганидек, эркаксиз уй ҳам хароб ва омонатдир. Болаларнинг бекаму-кўст ушиб, камолга етишувларида ҳам ота тарбиясининг аҳамияти чексиз. Қолавер-

са, биз ҳар нарсани ўз номи билан аташга одатланганимиз керак. Ота ўз номи билан ота. Қаранг, «чол-кам-пирлар участкада қолишди,

биз «дом»га чиқиб кетдик» дейди бир киши ўз шеригига метро поездида кетаётган. «Бизнинг бобойни бир кўриб кўйсанг, «вой жоним»лаб ухлатмайди, кечаси...» дейди бирови дўхтур дўстига. Дорилфунунни тугатган қўшни йигит отаси ҳақида «бизнинг пахан» деб

сўз очади. Бу каби сўзлар ота номини камситида, ҳақоратлайди, қадрини йўққа чиқаради. Инсон учун ота битта. Унинг ҳурматини қизини соғиниб мунис ва жонсарақ онам, вазмин донишманд отам таширф буюрадилар. Торгина уйим кенгайиб кетади шунда.

Уларнинг дуога очилган ҳовучларидан томирларига шифобахш нур қуйила бошлайди. Қўлларимни юзимга тортар эканман, ўзимча қўтлуг ният қиламан: Ё, қодир

Эгам! Ҳеч бир кимсани Ота-Она дийдоридан, дуоларидан бенасиб этмагил. Оталаримиз ўз улғуворлиги билан ҳамиша уйлари-миз турини тўлдириб тур-ишсин. Иншооллоҳ...

Гулчехра ЖАМИЛОВА
журналист

Кимдан ким ўрганган

ОНАНГНИ ОТАНГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТМА

Биз ута маланиятли миллатмиз. Бизга ҳеч ким маданият олиб келган эмас. Аксинча, дунёга маданият тортиқ қилганлардан бири бизмиз. Бунинг исботлаш учун тасаввуф ва халқ маданияти мавзусини ўрганишнинг ўзи кифоя. Шу ўринишлардан бир чимдимини сизга илтифат.

Ҳар куни эрталаб аёлларимиз пардоз қилишади. Зинҳор кучата пардозсиз чиқмайди. Нега? Умуман пардознинг маърифий сиринимала? Кўпчилик уйлайдики, пардоз қилиш Европада келган деб. Йўқ, Европада биздан кетган. Мисол учун тасаввуф ахли Олий Идеалини бир Ер шаклида тасаввур қилиб, унинг ҳар бир аъзосига маълум бир маънолар қўлашган. Чунанчи, Ернинг «юзи» — илоҳий сифат ва исларнинг тўпланиб, ҳилва этадиган жойини билдиради. Юз қанчалик широйли бўлса, унда маъно шўнчалик чўқурлашади. Шу сабабли бутунга қадар хотин-қизларимиз юз парваршига гоятда диққат қилиб келмоқдалар.

«Кўз» — маърифат чашмасидир. Тим қора кўз маърифатнинг чексизлигини билдирса-да, лекин ҳаётда нормал рангли кўз эътиборга лойиқ. Чунки маърифат ҳақидан ошса кишини девона қилганидек, тим қора кўзда қуриш қобилияти кам бўлади.

«Киприк» — илоҳий ишқ ўқидир. Киприкнинг етти кунда тўқилиб туриши бу — илоҳийнинг қомилларини ишқ фазли воситасида тарбиялашдан далолат.

Ҳозир аёлларимиз турли йўллар билан киприкни «найза»га айлантиришади. Бунинг маъноси, ишқ ўқининг нишонга тегишини истади.

«Кош» — илоҳий маърифатни англаш гоят мушкуллигини билдиради. Кош қанчалик интичка бўлса, маърифатнинг шўнчалик нозик идрок этилиши назарда тутилади. Демак, кош термидан мақсад, (инсонга) идрок туйғусини бахшида этишдир.

«Зулф» — илоҳий маърифатга етишдаги имкон мартабасидир. Чунки унинг учу қармоққа ухшайди. Ошиқнинг қалби (файри) унга илиниб маърифат сари йўналиши. Шу сабабли утмишда буюиларимиз зулфни парварши айлалар.

«Сот» — моддий олам, дунё тимсоли. Моддий олам Ошиқ ҳаёлида инкилоб ясайди, негаки соч қуюқ ва қорада. Сочнинг узунлиги эса шу моддий оламнинг чексизлигидан далолат беради. Сочнинг «учи» эса инсон қалбини билдиради. Сочнинг учу «гуллаб» қолганидек, инсон қалбида ҳам турли туйғулар жунбушга келади. Сочни қирқиб билан инсон қалбига жароҳат етказилади. (Қир-

қилгандан сўнг пайдо бўладиган соч учу барибир жароҳатланган қалбдан далолат) Шу сабабли йигитларимиз билиб-билмай «Сочтинантни кесма ер» дея нолишади.

Ернинг «лаби» — устознинг сўзи, насихатини билдиради. Чунки лаб икки қанотга ухшайди, яъни устоз маърифатидан озиқланган шогирд тафаккур осмонидега учайди. Оғзининг кичкиналиги (аёллар) устоз маърифатининг сермазмунлигидан далолат. Катталиги эса (эрларда) маънавий қомилликка далолат. Лабини «буяш» — устоз маърифатининг чексизлигини, ундан «ўпиш» шу маърифатга гарқ бўлишликни билдиради.

«Тиш» — сирни кашф қилишлик тимсоли. У қанчалик оқ бўлса, сир шўнчалик инсонга маълум бўла боради. Хотин-қизларимизнинг тишларини оппоқ сақлашга интилишлари бежиз эмас.

«Бурун» — маърифатдан олинган тушунчаларни билдиради. Агар у «пучуқ» бўлса бу тушунча нисбий, «қийтер бурун» бўлса, тушунча анча мукаммал ҳисобланади.

«Хол» — мақсадга етиш нуқтасидир. Кўпроқ у лабда бўлади, яъни мақсадга устознинг тарбияси воситасида етилади. Агар юзда бўлса, мақсад йўлида мустақил ҳаракат қилишликни билдиради.

Ер юзидаги «тер» — мақсадга етиш учун кўнглида туртилган ишпонч ва илҳом тимсолидир. «Чизиқчалар» (хат) эса бу йўлнинг турлича бўлишидан далолат. «Туклар» бу турлиликни бартафат этувчи омиллардир.

«Қўл» — маърифатнинг қувватини (қудратини), ҳимматини билдиради. Чиройли қўл тенгсиз ҳимматдан далолат. «Бармоқлар» (ҳар жой ва нарсалар) илоҳий маърифатдан нишона борлигига ишора қилади.

«Тирноқ» — ер юзидир, яъни қомиллар наздида ер юзи тирноқчалик. Улар ер юзидаги (бу дунёда) ҳар бир сирдан воқифдирлар. Уни «буяш» — сир сақлашга ишора. Фозиллар сирни сақлай оладилар.

«Оёқ» — рух ва молданинг бириктириб, ягона борлиқни ташкил қилиши тимсоли. Маърифатнинг низоҳияси шу. Шу сабабли оёқни жуфт қилиб туриш гоят гузалликдан далолат бўлади.

«Бел» — маърифат воситасида анланадиган саодат нурларининг



тимсоли.

У қанчалик «интичка» бўлса, қалб шўнчалик нозик бўлади. Чунки унда саодат нурлари балқиб туради. Ҳозир ҳам аёлларимиз белни интичкалаштиришга уринадилар.

«Қомат» — бақо оламидирки, унга қомиллар ўз кашфу қароматлари ила етиладилар.

Маълум бўладики, пардоз маърифати Шарқда туртилган бўлиб, уни тасаввуфчилар ишлаб чиқишганди. Биз бу ўринда айрим аъзоларнинггина изоҳларини қисқартириб келтирдик. Умуман, инсон вужудининг ҳар бир аъзосига маъно юкланган ва ўтмишда аёлларимиз ўз пардозларининг сирини воқиф бўлишган. Усма, ҳина қуйишларининг ҳам, раққоса ҳаракатларининг ҳам маънолари бор. Бу ҳақда кези билан сузларим.

Хуллас, пардознинг сирини бўлиб, уни инсониятга Шарқ ато этган.

Абдулмалик ЁҚУБ,
ТошДУ ўқитувчиси

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ



1935 йил 10 сентябр, Оқтош

— Зулфия опа, ижозат этсангиз, бу сафар аксарият мухлис-ларингизни, Сизни эъозлаган одамларни жуда қизиқтирган саволлар берсам...

— Марҳамат.

— Чунки Сиз бу ҳақда, яъни ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири бўлган шоир Ҳамид Олимжон билан ўтган муҳаббатли, бахту саодатли йилларингиз ҳақида деярли гапирмайсиз. Балким, халқимиз орасида қарийб афсонавий муҳаббат достони каби овоза бўлган севги хотираларини ҳам бошқалар билан бўлишишни хоҳламассиз... Бугун эъозли шоирининг садоқати наслларга ибрат этарга арзигулик шоирининг, кутлуг ёшини нишонлаётган ихлосмандларингизни тушунарсиз, деб ўйлайман...

— Муҳаббат, севги сузлари ниҳоятда катта маънони, қудратни, ниҳоятда нозик туйғуни ифода-лайди. Муҳаббатнинг тилга олиш-гайм юрак бетламайдиган томон-лари борки, шу боисдан ҳам у ҳақ-да одамларга гапириб бериш қийин. Муҳаббат-фақат икки қалб-нинг мулки: шу икки қалбга ҳос ва мос, икки қалбни бир гулхан бир-дек иситади. Уни ифодалаш учун ҳам ўзига ярашқили сузлар, рост гаплар керак. Ана шу рост гаплар-ни айтишининг ҳам ўз вақти кела-ди, шекилли...

Ҳамид Олимжон машҳур шоир-нинг «Муҳаббат ўзи эски нарса, ҳар бир юрак уни янгилайди», — деган фикрини қўп такрорлардилар.

Бу туйғу шунчалар қудратлики,

икки қалб бир-биридан узоқ кета-дими, яқиндами фарқи йўқ — оло-ви бирдек иситади. Муҳаббатли юрак фақат эзгуликларга қодир.

Сойми ёки шаббода олди
Менинг кўзимдаги уйкуни?
Ой ёрмини ёдимга солди,
Дилда тошди севги тўлқини.

Ҳамид Олимжон жуда улусифат, салобатли, шу билан бирга ниҳоят-да нозиктаъб, шавқли, хушқақчақ эдилар. Баландроқ овозда айтил-ган битта сўз у кишининг кўнглига озор етказиши мумкин эди. Ҳамид Олимжон билан, у зотнинг ёнида яшашнинг ўзи бахт эди. Биз қаер-да бўлмайлик, муҳаббат иқлимида хушхол эдик. Бир-биримизни ниҳоятда авайлардик, бир-биримиз-нинг дилимизга қўланка ташлайди-ган сўз ёки ҳаракатни ҳаёлимизга ҳам келтирмадик. Бошқача бўлиши тасаввурдаям йўқ эди. Ҳаётнинг икки-чирларидан юқори эдик.

— Зулфия опа, Ҳамид Олим-жоннинг сизга кўнгли борлиги-ни қачон ҳис қилгансиз? Нозик қалб, сўз заргари бўлган шоир-нинг муҳаббат изҳорлариям бир бетакрор шеърдай ўзига хос-дир...

— Муносабатимизда бачканалик-лар, бир-биримизга бағишланган шеърларни ўқиб ўтиришларга эҳ-тиёж йўқ эди. Янги ёзилган ўз шеърини ўқиб бериш, тинглаш гўё байрам эди...

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтун.
Ҳар уйишган куртак ҳаёт бергани қаби
Кўларингга суртиб ўпардинг уни.



...1934 йил-нинг киши эди. Ёш қаламқаш-ларни комсо-мол марказку-мининг бир йи-гинига таклиф

қилишди. Сабаб билан мен кечи-киб бордим. Эшикни очсам, маж-лис бошланган, деярли ҳамма уринлар банд. Шу пайт бурчак то-монда ўтирган Ҳамид Олимжон ёнидагиларнинг нарироқ сурилиш-ларини суради ва бушаган жойга мени таклиф қилди.

Менинг қўлимда пальтомни кийимхонага топширганимда бе-рилган номер — унинг ипини айлантириб уйнаб ўтирибман, со-либ қўйгани чўнтагим ҳам йўқ. Сум-кача тутиш урф бўлмаган. Ҳамид Олимжон номерни қўлимдан олиб қўйганини сезмай қолдим. Йигин тугади. Мен ким биландир гапла-шиб қолибман. Залдан чиқсам, қўп-чилик кетиб бўлган, кийимхона ол-дида Ҳамид Олимжон йўқ эди, паль-том осиглиқ турибди. Кутиб турсам, ҳаммаҳаллам ёзувчи Охун-дий келиб қолди.

— Кетдикми? — деди у менга. Мен воқеани айтдим. Охундий Ҳамид Олимжон билан яқин уртоқ эди. У маъноли бир жилмайиб қўйди-да, бупти, мен кетдим, — де-ди.

Бирдан Ҳамид Олимжон пайдо бўлиб қолдилар. — Ҳамма кетиб қолди-ку! — де-дим мен.

— Мен бор-ку! — дедилар. Бир-га-бирга кетавердик. Мен у киши Охундийникига кетаяптилар, деб бунга бошқача маъно ҳам берма-дим. Эртасига ишхонамга келиб гаплашиб ўтирдилар. Шундан кейин менга китоблар келтириб бе-радиган, гоҳ қўчмаизгача, гоҳ ҳов-лимизгача кузатиб қўядиган бўлди-лар. Кейинчалик учрашадиган бўл-дик.

Ҳамид Олимжон кўпинча ўша пайтда ёш зиёли йигитларга урф бўлган оппоқ жужун қўйлак кийиб, ипак белбоғ боғлаб юрардилар. Ун-ча узун бўлмаган сочлари жинга-ла, жуда чиройли эди. Ҳар гал мен-га яқинлашиб келаркан, кўзларида бир ўт ёнгандай бўларди. Салом-лашарканмиз: «Соатлар неча бўл-ди?» — деб сурардилар ва яна ўз-лари: «Минг бўлди!» — деб жавоб қайтарарди. Кузатиб келганида, мен уйга кириб кетаётсам, дарво-замиздан ҳовли ичкарисига қараб:

— Қандай жаннат! Ижозат бер-салар, мен бир гулнинг остида ўти-риб тонг оттирсам, — дердилар.

Совуш бермайди менга
Ёқиб кетганинг олов.
Нетай, етмайман сенга,
Ўртага ташланган гов.

— Ҳарқалай, ўша 30-йиллар-да йигит билан қизнинг одам-лар кўз ўнгида бирга юриши, маҳаллагача кузатиб келиши урф бўлмаган. Сизларнинг нис-батан эркин бу муносабатла-рингизга нима сабаб бўлган: ота-оналарингизнинг ўз фарза-ндларига қаттиқ ишончими, за-моннинг таъсирими ёки акала-рингизнинг Москвада ўқиб кел-ганларими?

— Ўзимни танибманки, иккита акам Москвада ўқишарди. Уйимиз-га эрқагу аёл меҳмонлар бирга-ликда, бирдай келишаверарди. Ҳа-мид Олимжоннинг мени кузатиб қўйиши ҳақида ҳам ҳеч ким ёмон фикрга келмаган. Ота-онам ҳам ме-нинг нимадир номаъқул бирор ҳа-ракат қилишимни ҳаёлигаям кел-тиришмасди. Кўчада ёнма-ён, ҳар нарсга ҳақида суҳбатлашиб келаве-рардик ва кўпинча у Охундийники-га ўтиб кетарди. Дадам кўпинча гу-зардаги чойхонада кишилар билан утирардилар.

Бир гал келаверсак, гузарда ўтирган эканлар. Иккинчи марта эса бирдан гойиб бўлиб қолдилар ва ўша кўни уйдаям менга кўрн-мадилар. Онамга: «Қизингга айт, ўша йигит ёққан бўлса, кўчада етаклашиб юрмасин», — дебдилар.

Онам, мушфиқ онам, биринчи қизлари тўй арафасида қўтилма-ганда дардга чалиниб вафот этга-ни, сеплари савил қолганлиги учун менинг тўйимни, бахтимни қўриш-га зор эдилар...

Эриб кетмагандим севгиндан,
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо.
Бирга қолиш учун сен билан
Қуяман-у, бўлмайман адо.

Ўша пайтда Хоразм обкомининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган Нормат акам Тошкентга пленумга келганда Ҳамид Олимжон билан яқиндан танишиш учун, уни мен ор-қали богда бўладиган концертга таклиф қилдилар: «Айт, бу сафар сизни концертга мен таклиф қила-ман, дегин». Янгам, акам, мен машинада бордик.

Ҳамид Олимжон кутиб тур-ган экан. Мен янгам билан, акам Ҳамид Олимжон билан айланишди. Шун-дан кейин акам онамга: «Ойи, мен гаплашдим. Ях-ши йигит, тўй қилиб бе-раверинг. Мен келолсам келаман», — дедилар. Айвоннинг четига ўша пайтда янги чиққан пате-фон, бир даста пластин-ка қўйиб: «Мана, мендан совга», — дедилар. Шу қўйи акам қамалиб, оти-либ кетгунларига қада-р Ҳамид Олимжон билан қайтиб қуришмадилар.

ЗУЛФИЯ МЕН ЎТГАН УМРГА

*Ҳаёт китобини беҳос берақлаб,
Мен ўтган умрга айлмай қўйдим.
Шаббасум ёғинда қўлдан берақлаб,
Сўйиш керак бўлса-табағга сўйдим.*

*Қийинликни пилани, йиғини ё кимга,
Юрак боққиндан қилмабман пафто.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Йилим шикъ таваб ўнда ҳаф сабот.*

*Мен ўтган умрга айлмай қўйдим.
Вел кимда қўрқинини умримга ёғдир,
Сўйдим,
Эрқаладим,
Айришдим
Қўйдим,
Иллат нима биздин,
Шу-да бир ятти!*

Чунки акам Тошкентга бирор йи-гилиш баҳона келганларида уйи-мизга бирров кириб чиқардилар, холос. Бундай пайтларда Ҳамид Олимжон ишда бўларди.

Дейдиларки, сени кўрганда
Кўларимда ёнар жонли ўт.
Ўша ўтнинг ёлқинларида
Сендан ўзга бор нарса унут.

— Тўйларингиз?..

— Жуда чиройли тўй бўлган. 1935 йилнинг 24 июль кўни эди. Ўша пайтда Ҳамид Олимжон Фан-лар комитетида хизмат қиларди-лар. Ҳамкасблари, даврнинг ёш шоиро ёзувчилари, санъаткорлари-дан 40—50 киши тўпланган. Ота-жон Ҳакимнинг Ҳамид Олимжон ик-ки хонадон нарида яшайдиган уйи-га қўшни бўлган ҳовлиси тўйхона эди. Келини олиб кетишга етти-та извош келди. Уларда қатор бор-сак, қўчаларга сув сеппилган, супу-рилган, бирам чиройли.

Оппоқ қўйлақда, кўзлари чақнаб кетган Ҳамид ака пешвоз чиқди-лар ва менга қўлларини узата ту-



Зулфия қизи ва ўғли билан

риб:

— Соатлар неча бўлди? — деди-лар одатлари бўйича.

— ...

— Минг бўлди!

Столлар ясатилган. Ҳовлининг бир томонидаги сўрига мени олиб келган аёлларни таклиф қилишди. Ойимни ҳам қўриб турибман. Бир пайт ёнимизга аям — Комила бу-вини олиб келишди.

— Аяжон, сиз келинингиз билан гаплашиб туринг, мен бориб ойим билан қўришиб келай, — деб Ҳа-мид Олимжон аямни ёнимга ўтқаз-дилару ўзлари ойим томонга кет-дилар. У киши бориши билан бар-ча аёллар дув уринларидан туриш-ди.

Ойимнинг:

— Ваалайкум ассалом! Вой, бўйларингиздан ойингиз ўргилсин! Менинг қўввим шундай яхши мул-ло йигит экан, — деган гаплари эши-тилиб турарди...

— Зулфия опа, оилада икки-та нозик қалб шоир. Вақти кел-са, иккаласиям ўз кўнгли ола-мига беркингиси келади. Кола-верса, ҳаёт, турмуш шеърдай ра-вон эмас...

— Саволигини тушундим. Мен Ҳамид Олимжоннинг уйларида жу-да бахтли, суюкли келин бўлиб яшадим.

— Ижод-чи!

— ...Анча вақтгача қаламқашлар ҳам дам олди. Чунки ҳаётимизни-

МЕНИНГ АЗИЗ ФАХРИМ

Ҳамид Олимжону Зулфиядай катта шоирларга, ҳамиша халқу Ва-тан тақдирига дохил ишлар билан банд бўлган арбобларга фарзанд-ликни, шубҳасиз, қўпчилик ҳавас қилади. Лекин ҳақиқатки, ота-онаси ким бўлишдан қатъий назар, фарзанд қалби уларнинг меҳрига тўймоқ-ни истайди. Шу маънода Хулқар опа Олимжон ва мухтасаргина суз-ладилар.

Ёшлигимда, мактабда ўқувчилик йилларимда балким, ота-онам шундай инсонлар эканликларини ҳис қилма-гандирман. Ҳамид Олимжоннинг бешигини тебратган қўллар менинг ҳам бешигим-ни тебратди. Отамга алла айтган Ко-мила буюм мени ҳам аллалаб ухлат-дилар. 1944 йили Сабоҳат олам, яъни аммам мени биринчи синфга олиб бордилар. Чунки аям етти кишидан иборат катта оилани боқишлари ке-рак эди.

1954 йили Москвага ўқишга кет-дим. Ана шу пайтдан бошлаб борган хатларни ўқиб мен онамнинг қалби-ни, ким эканликларини англай бош-ладим, шекилли.

Хатлар... Ҳаммаям хат оларди. «Фал-лон кўни мол сўйдиқ. Фалончининг тўйи бўлаяпти. Биз соғ-саломатмиз...» қабилдаги хатлар келарди курсдош-ларимга. Менга эса аям шеърлар би-лан ёзардилар. Уларни ўқиб бермоқ-учун тушунувчи бир қалб излардим. Аям ўзлари айтишларича, бу хат-ларни ёзиб: «Қайси почта қутисига ташласам, тезроқ жўнатиларкин», — деб унисидан бунисига ўтиб уйлана-рканлар.

Соғинч... балким шу туфайли уч йил кейин ўқишимни Тошкентга қу-чиргандирман. Укам Омон иккила-миз онамга жу-да боғланиб қолганмиз. Катта бўл-гани сайин бу боғлиқлик яна ҳам қат-тиқроқ бўлиб борди. Ота бўлиб солдим мен йўлга, Она бўлиб бағримга босдим, — деб ёзганлар онам бир шеърларида. Ҳа-

нг ўзи шеърдай бўлиб қолди. Ле-кин Ҳамид Олимжон менинг яхши асарлар ёзишимни шу қада-р хоҳ-лардики! Чунки менинг шеърга лаёқатим, иқтидоримни ўзимдан кўпроқ баҳолаган эканлар, шекил-ли. У кишининг маслаҳати билан тугалланган, ихчам шеърлар ёза-диган бўлдим. Лекин ҳеч қачон шеъримни қўлга олиб қалам би-лан тузатган, таҳрир қилган эмас-лар. Изланишга, муносиб сўзу фи-крни топишга даъват қилардилар.

Узоқ мен ахтардим, аммо ўзимда
Бир куч тополмадим севгидан устун!
Мен сени севаман, сеҳргар йигит,
Бугун борлигим-ла мен сенга мафтун.

Икки хонали уйда аям, Ҳамид Олимжоннинг сингиллари, укалари билан етти киши яшардик. Ҳар ку-ни ишга кетаётганда:

— Мен столнинг устидан қогоз-ларимни йиғиштириб қўйдим. Сиз шеър ёзинг, агар шеър ёзмасан-гиз, увол бўлади, ўзимни гуноҳкор ҳис қиламан, — дердилар.

Жуда ақлли, саховатли, покиза инсон эди. Қўпчилик орасида ака-нимизда, ҳатто бизнинг бир оила эканлигимизниям билмасдилар. Хар ким ўз дўсти, яқини, муноси-би билан юрардилар. Мени ҳеч қачон «сен» демаганлар. Бир-би-римиз билан доим фахрланиб юрардик.

Шундай воқеа бўлганди:

Москвага комсо-моллар съездига мени ҳам вакил этиб сайлашди. Мажлисдан чиқиб тўғри вокзалга бо-ришимиз керак эди. Менинг жома-донимни Ҳамид Олимжон поездга элтиб берадиган бўлдилар. Вокзалда

кутиб турибман, ту-рибман, Ҳамид Олимжондан дарак йўқ. Мен акаларимнинг кетма-кет фожияларидан юрак олдириб қўйганим учун яна бир кори ҳол бўлмадимикан, деган хавотирда ҳам эдим. Поезднинг жўнаш вақти етаётгани ҳақида биринчи, иккин-чи, учинчи марта эълон қилинди. Мен қўлмоқчи бўлдим, лекин Ўз-бекистон ёшлари номидан Иттифоқ съездига ёзилган шеърый табрик-ни ўқишим керак эди. Бунинг усти-га баъзилар: «Мана кўрасиз, кел-майди. Сизни юбормоқчи эмас», — деб ярим чин, ярим ҳазил қили-шарди. Поезд эшигининг тутқичла-ридан ушлаганча, қўзларимни йўл-дан узолмай, жўнаб кетдим. Пое-здда кетаяпмиз. Тўн яримлаганми-ди... Поезднинг йўлагидан: «Исро-илова Зулфия, қайсикупедасиз, маълум қилинг. Сизга телеграмма бор», — деб йўқлаб қолишди.

Кейин телеграммани ўқиб бе-ришди. Унда Ҳамид Олимжон ме-ни кузатгани келаятганда трамвай йўлда бўзилиб қолгани ва шу са-бабли улгуролмаганини айтиб, жо-мадонимни эртага худди шу поезд билан йўлга чиқадиган туркман де-легациясидан бериб юборажагини маълум қилганди.

Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам
Ёшлиқ кечган торгина шу жой.
Бунда яшар ажиб онлардан,
Ишқ-ла ўтган тунлардан чирой.

Ҳамид Олимжонга бўлган меҳр-муҳаббатим унинг оналари, сингил-лари, укалари — ҳаммаларига етар-ди. Улар ҳам мени шунга яраша эъозлашарди. Айниқса, аям... Жу-да меҳрибон, олижаноб, оқила, ваз-мин аёл эдилар. Мени ўз фарза-ндларидек ардоқлаб, авайларди-лар.

Ҳамид Олимжон болаларига жу-да меҳрибон ота эди... Хулқар беш ойлик чақалоқлигида укам фалокат туфайли ҳалок бўлди. Ҳамид Олим-жон Москвада эдилар, келдилар. Қўлда бола билан ота-онамни қўр-гани бордик.

— Отажон, ойижон, Каримжон-нинг ҳалокати ҳаммамиз учун оғир йўқотиш бўлди. Лекин афсуски, эн-ди уни ҳеч нарса билан ҳаётга қайтариб мумкин эмас. Агар рух-



сат берсаларинг, Зулфия қора киймаса, болани бағрига босган-да, қора кийиб ўтирмасин. Болага оқ сут берсин, — дегандилар Ҳа-мид Олимжон.

Дадам шу заҳоти:

— Йўқ, йўқ, йўқ, киймасин, — деб жавоб қайтаргандилар...

Ҳижронинг қалбимда, сизинг қўлимда,
Ҳаётни қўйлайман, чекинаман алам.
Тунлар тушимдасан, қундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

— Зулфия опа, мана бугун Ҳа-мид Олимжоннинг ўғил-қизу на-биралари, эваралари ҳаётин-гизни, уйингиз, бағрингизни тўлдирдилар. Улар орасида се-викли шоиримизнинг фазилат-ларини эслатадиганлари ҳам бордир?

— Ўғлим Омон худди отасидай. Онага, сингиллари, болаларга му-ҳаббатда отасининг меҳру оқибат-лиги сақланган. Ҳамид Олимжон менинг онамни худди ўз оналари-дай ҳурмат қилардилар. Омон ҳам ҳаммага меҳрибон. Бу — ўғлимни-нг беэағи.

Ҳамид Олимжон билан кечган ҳаёт менга катта мактаб, сабоқ йил-лари, умримнинг бахтли фасли бўл-ди. Афсуски, у тўққиз йилгига да-вом этди, холос.

Эллик йил ҳижронда ўтди. Ле-кин чиройли, бегубор чехра, соч-ларнинг тўлқини, бир дунёга арзи-гулик табассум эллик дақиқа ҳам қўзларимдан нари кетмади.

«Оила ва жамият» ҳафта-ни муҳаррифиёти ҳодимлари,
муштарийлари севисли шоира-
мизми кўнгли қўллари билан
қўйиладилар ва Зулфиянинг
осойишта хонадон, азиз фарза-
ндлару халқ ардоғида сизай-
саломатликда, узоқ умр кўриш-
ларини тилайдилар.
Қабингиз, қаланингиз сира
гафласин!

Саҳифани Мухтарама
УЛУҒОВА тайёрлади

Маслаҳатлар

СОЧНИ ЎСТИРУВЧИ ВА
ЖИЛОЛАНТИРУВЧИ ТАБИЙ ОМИЛЛАР

Зардобли қатиқ сочни ювишда фойдаланиладиган серхислат куҳна озиқ ҳисобланади. У ўз таркибда мавжуд бўлган биологик фаол моддалар билан сочининг илдизига дармон бўлибгина қолмасдан, балки сочни майинлаштиради, муртлигини йўқотади, тери ҳужайраларининг ҳаётлигини оширади. Шунинг учун ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта сочни қатиқда ювиб туриш керак. Мабодо, тери жуда ёғли бўлса, қатиқни ёғсиз суддан ивителиди ёки бошга суртишдан олдин сирт қисмидан бир энлик олинади, сабаби қатиқ ивиши жараёнида ёғи юзасига чиқиб қолади.

Сочнинг рисоладагидек соғлом ўсишида уни тараш ҳам маълум даражада аҳамиятга моликлиги билан ажралиб туради. Қаттиқ тишли тарок билан тараш зарар. Сочни қисиб ўриш нохуш асоратни беради, сабаби сочининг қон таъминланишида ўзгариш бўлиб, бу эса ўз навбатида сочининг тукилишига ва

сийраклашишига олиб келади.

Сочга жилоли ранг беришда ва унинг тукилишини тўхтаишда хина суртиш яхши натижа беради. Бунинг учун хина кукунидан қуйидагича фойдаланилади: 25 грамм хина кукунига иссиқ (70 даражали) сув билан қоришма тайёрлаб ва шу ҳолда тоби қайтмасдан тиш чўткаси билан сочининг асосидан бошлаб суртилади. Ярим соатдан сўнг шампун ёки ироқи совун билан ювилади.

Соч хом (ғура) ёнғоқ пўстлари асосида тайёрланадиган дамлама билан бўялса, у жозибали кўнгир рангга киради. Дамлама қуйидагича тайёрланади: 0,5 литр сувга 10–15 грамм аччиқ тош ва 75 грамм зайтун мойи қўшилади-да, яхшилаб аралаштирилади, кейин паст оловда бироз иситилиб, совугандан сўнг аралашма сочга пахта билан суртилади. Ва хона ҳароратида қуритилади. Бундай амал нафақат жилоли ранг ато этибгина қолмасдан,

балки унинг илдизини мустаҳкамлайди.

Аччиқ қилиб дамланган қора чой ва пивз пусти дамламаси ҳам табиий соч бўёқларига киради. Қуюқ қилиб дамланган қора чой ҳар кун сочга суртилаверганда сочининг ранги жилоли тус олади. Айниқса, ингичка ва қуруқ сариқ сочли кишига мазкур қайнатма қўл келади.

Ўта қазғоқланган, шунингдек тез тукилувчи сочга даво сифатида карам шарбати бошга едирилиб, суртилади.

Ҳамишабаҳор гулларидан тайёрланган қайнатма соч ўсиши заиф ҳамда тез тукилганда яхши натижа беради. Шунингдек, ҳамишабаҳор гулларидан спиртли тиндирма ҳам тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун 20 грамм қуритилган гуллар 100 грамм микдоридидаги 70% спиртга солиниб, тиндириб қўйилади. Мазкур тиндирма билан соч илдизи ора-сир артилади.

Шоҳсанам ОВЛАҚУЛОВА,
уй бекаси

ХУСУСИЙ ЭЪЛОН

«Мустақиллик Интернейшнл» кутубхонаси барча инглиз тилини ўргатувчи университетлар, институтлар ва мактаблар мутасаддиларини 1995 йил 5 июн куни соат 10.00 да ўз ўқув залига таклиф этади. Шу кунинг инглиз тилидаги жаҳондаги энг ноёб китоблар уларга бепул улашилади.

Китоблар олиш ниятидаги билим даргоҳлари вакиллари «Мустақиллик Интернейшнл» кутубхонаси номига ўз миннатдорлик қоғозларини (имзо ва муҳр бўлиши шарт) олиб келсалар бас.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси — 48, Хорижий тиллар институти биноси («Чорсу» меҳмонхонаси қаршисида) «Мустақиллик Интернейшнл» кутубхонаси.

Тел: 42-28-84, 42-28-82.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Оила



Меҳрибон падари бузрукворимиз Бута ЯРБОЗОРОВ! Қутлуг 55 ёшингиз билан табриклаймиз. Ҳамиша соғсаломат бўлиб,

инсон саломатлиги йўлида сира толманг. Фарзандларингиз роҳатини кўринг.

Фарзандларингиз: Раҳматилла, Шавкатжон, Азамат, Фахриддин, Иззатилла, Хайрулла, Жасур ва Наврузбеклар.

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ

36 ЁШДА

Бухоро вилоятиданман. Неча йилдирки, бир қизим ва бир ўғлим билан ёлғиз яшаймиз. Турмуш ўртоғим оғир касалликдан вафот этди. Касбим — олий маълумотли ўқитувчи. Қалбимни тушунган, меҳр-оқибатли, фарзандларимга оталик меҳрини бера оладиган инсон учун қолган ҳаётимни бағишлайман. «Оила-408».

45 ЁШДА

Бўйим 180 см, ичмайман-чекмайман, тижорат билан шуғулланаман. Тақдир тақозоси билан оиламдан ажралганман. Ёши 30-35 ларда бўлган меҳрибон, вафодор аёлни ўзимга жуфти ҳалолликка қидираяпман. Асли андижонликман, лекин Тошкентда яшашни хоҳлайман. «Оила-409».

ДЕРАЗА

60 МИЛЛИОНДАН ВОЗ
КЕЧДИ

49 ёшли колумбиялик иммунолог олим Мануэль Патерройо куп йиллик изланишлардан сўнг малярия касаллигига қарши топган вакцинасини Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотига тақдим этди.

Бу вакцина Лотин Америкаси, Осиё ва Африкада муваффақиятли синовдан ўтди. Синовда у бошқа вакциналарга нисбатан 77 фоизга фойдали эканлигини кўрсатди. Бу кашфиёт учун жаҳонга танилган бой фармацевтик концернлар Патерройога купдан-куп пуллар таклиф қилишди. Ҳатто, бир концерн унга 60 миллион АҚШ долларини ваъда қилди. Лекин Патерройо бунга «вакцина орқасидан ҳеч ким бойлик орттириши мумкин эмас, шунинг учун мен уни инсониятга совға қилишга қарор қилдим», дея жавоб қайтарди.

Кашфиётчи Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотига вакцинани топшираётганида унинг арзон бўлиши ва одамлар колумбияданлигини билиши кераклигини талаб қилди холос.

ЗАМОНАВИЙ КАНИЗАКЛАР

Ҳозирги кунда шри ланкалик ва филиппинлик юзлаб хотин-қизларни ер юзининг қуллаб нуқталарида уй юмушларини бажарувчи канизак-хизматкор сифатида учратиш мумкин.

Қувайтда ҳам шунақа аёллар қўлчиликни ташкил этади. Улар охириги кўпларда бешафқат ҳужайинларидан қўтилиш мақсадида давлатлари элчихонасининг эшиги олдида тез-тез тўпланиб туришибди. Қувайтдаги Шри Ланка элчихонасида 150 дан ошқ «канизак» уйларида қайтишларини кутмоқда. Улар ҳужайинлари томонидан камситилганликларини ва зўрланганликларини даъво қилишяпти. Утган йили қувайтлик бир бой хоним шри ланкалик 23 ёшли канизагини ўз вақтида овқат тайёрламагани учун ингичка пошнаси билан тегиб ўлдирди. Ўзга юртларга кун ўтказиш мақсадида келган «канизаклар» бундай азобларга бардош беролмаяптилар.

Бугунги кунда Қувайт бўйича 200 мингта филиппинлик, шри ланкалик, ҳиндистонлик ва бангладешлик хотин-қизлар уй хизматкори сифатида ишламоқда экан.

ҚАЛЛИҚСИЗ ҚУЁВЛАР

Хитойда уйланмоқчи бўлган йигитларга қийин бўлаяпти. Чунки келин топиш жуда ҳам мураккаблашиб бормоқда. Давлат томонидан оилада битта бола ўстириш тавсия қилинган бўлса, энди туғилаётган чақалоқнинг ўғил ёки қизлигини олдиндан билиб «оборт» қилдириш тавсия этиляпти. Агар чақалоқ қиз бўлса, ҳомила қолдирилиши лозим топилмоқда.

Айтишларича, асримиз охирига келиб, Хитойда буйдоқлар сони 70 миллионга етиши мумкин. Қишлоқ туманларида 25 ёшдан 49 ёшгача бўлган эркеклар уйланишларида умид боғлашлари қийин бўлмоқда. Чунки қишлоқларда битта турмушга чиқмаган қизга 28 нафар уйланмаган йигит тўғри келади. Эркекларнинг кўпчилиги ҳам яхши оқибатга олиб келавермас экан.

ЭНДИ ҲАЗИЛГА ХАДДИ
СИГМАЙДИ

Барчага аёнки, 1 апрель дунёда кулги, ҳазил кунини сифатида қабул қилинган. АҚШ Флорида штатининг Джексонвилл шаҳрилик Рой Пирремэн деган кишига яқин уртоқлари қалтис ҳазил қилишди. Улар Рой олган лотерея билетларидан бирининг рақамларини компьютерда 7 миллион доллар ютқуқа тўғрилаб қўядилар. Рой ҳам бунинг синчиклаб текшириб ўтирмасдан бахтли билетини банк ҳодимларига кўрсатади. Улар ҳам бунинг текширмасдан Ройнинг номига ҳисоб рақами очишади. Шу жойининг ўзида «миллионер» янги шохона уй учун 175 минг доллар, янги моторли қайиқ учун 15 минг доллар ва бошқа-бошқа керакли нарсалар учун пул тўлайди.

Лотерея билетининг ҳақиқий эмаслиги эса Ройнинг кўксига 3 донга ўқ қадади. У улимни олдиндан барча ҳаражатларини ҳазилкашлар тўлашларини талаб қилди. Энди улар Рой қилган 239 минг доллар ҳаражати ва руҳий йўқотиши учун унга 160 минг доллар тўлашлари керак.

Шунақа воқеадан кейин ким ҳам ҳазил қила оларкан.

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Ажабо

АЖРАШИШГА
НИМА САБАБ

Охирги пайтларда анчагина давлатларда эр-хотин уртасида ажралиш ҳолатлари жуда ҳам кўпайиб бормоқда. Хўш бунга сабаб нима ва қаерда қанақа? Бу саволга қуйидагича жавоб топдик:

Японияда эркак кишига хотинининг ёмон овқат тайёрлаши ёки кишига ёқмайдиган ҳолатда ухлаши эр-хотин уртасидаги ажралишга асосий сабаб бўлиши ҳам мумкин экан.

Англияда эса эр-хотиннинг ик-каласи ҳам ажрашмоқчи бўлса, бунга рухсат этилмайди. Фақатгина улардан бири бу иш учун судга арз қилиши лозим.

Мадагаскарда доимий ажралишдан ҳам кўра вақтинча ажралишлар кўпроқ учрайди. Агарда оиладагиларнинг биронтаси узоқ хизмат сафарига ёки бошқа иш билан узоқ вақтга кетса у қайтиши билан билан янгитдан никоҳ ўқилади.

Италияда агарда хотин киши эрини эркак кишига хос бўлмаган ишни бажаришга ундаса эр ажралишни талаб қилишга ҳақли ҳисобланаркан.

Ҳиндистонликларнинг қонунига биноан эркак киши фарзанд кўрмайдиган аёл билан 8 йилдан кейин, фақат қиз фарзанд кўрадиган аёл билан 10 йилдан кейин, ичадиган, чекадиган ва эрини ҳурмат қилмайдиган аёл билан шу заҳотиёқ орани очик қилиши мумкин экан.

Австралияликларнинг оиласи эстетик жиҳатдан жуда ҳам назик ва маданиятли ҳисобланади. Агар хотин киши эридан биргина «кет» ёки «жуна бу ердан» деган гапни эшитса, шу пайтнинг ўзида жуфтани ростлаб қолиши мумкин.

Шўжри бизнинг аҳли аёлларимиз эридан инжиқликларимизга чидайди. Бу эса оиламиз мустақамлигининг асосий таянчидир.

Э. ЭШОНҚУЛОВ

«ОНАЛАР ҚУНИ»
БАЙРАМИ

Йилда шундай кун борки, шу кунни америкалик барча ёшдаги болалар оналарини нима биландир меҳмон қилишга, совга беришга ошиқшади. Бу бугун Америка бўйлаб ўзгача бир тароватда нишонланадиган оналар кунидир.

«Оналар кун» байрамнинг вужудга келиши Анна Жервис исмли америкалик қизнинг номи билан боғлиқ. У онасига бўлган чексиз меҳрумуҳаббати боис тарихда ана шундай из қолдириб, америкалик оналарнинг ҳурматига сазовор бўлди. Аннанинг онаси Ғарбий Виржиния ва Филаделфияда ўз оиласини машхур қилиш учун, барчага урнат бўлидиган оила яратиш учун умри давомида ҳаракат қилди. Онасини жонидан ортиқ кўрган Анна доим онасига оқ чиннигулларни совга қилишни яхши кўрарди. Чунки, онасининг энг сеvimли гули шу эди-да. Жервис хоним 1905 йил 5 майда оламдан ўтди. Қизалоқ Анна эса онаси учун қаттиқ қайғуриб, боғдан саралаб келган чиннигулларни онаизорининг қабрига қуйишга мажбур бўлди. Ҳатто министр бобосидан Ғарбий Виржиниядаги церквивда онаси хотираси шарафига мотам маросими ўтказишни сурайди. Мана шундан бошлаб Филаделфияда «Оналарга хизмат» кун

Оз билган уялиб қолиши мумкинлиги ҳаммага аён, аммо кўп ва ортиқча билиш ҳам ҳавфли. Бизнинг энг катта хатолашимиздан бири шуки, ҳалигача билишнинг керакли чега

дай жараёнлар кечаётганини билиб турадиган одам тетик ва соғлом бўлиши қийин гап. Иккинчиси эса, бу ҳақда ҳеч нарсани билмайди, лекин саломатлигидан шикоят қилмайди. Агар

Аммо чол қон босими, томирларда қоннинг уюшиб қолиши ҳақидаги касалликлар ҳақида умри бино бўлиб эшитмаган ҳам. Ҳолбуки, бу касаллик унда уч маротаба қаттиқ хуруж қилган эди.

ди шекилли, кўргошиндек оғир бўлиб қолди», дерди.

Кўпчилик кишиларнинг бахтсизлиги шундаки, улар тинмай кўп китоб ўқийдилар. Табиий фанлардан парча-қулоқ маълумотлар, тиббиётга доир кўпдан-кўп далил-ҳужжатлар, икир-чикирларни тўплайдилар, докторлик ишидан жаргонлар йиғадиладар ва пировард натижада ўзларининг ба-

Р.К.НАРАЙАН (Ҳиндистон)

КЎП БИЛИШ ҲАМ
ЗАРАР ЭМИШ

расини белгилаб олганимиз йўқ. Ҳалигача ақлий қобилиятимиз нисмаларга қодир эканини аниқлайдиган ўлчовни ишлаб чиқмаганимиз. Охир-оқибатда инсоннинг қадр-қиммати унинг қанча кўп нарсани билганлигида эмас, балки у эгаллаган билимларнинг фойдалилик даражаси билан белгиланади. Ҳозир бизда ҳам ақлий зуриқшнинг қатор аломатлари белги бермоқда.

Одамлар жуда кўп нарсани билишни истайдилар, лекин билганлари уларга наф келтираётгани йўқ. Масалан, ички аъзоларнинг аҳволини олиб қарайлик: икки кишидан бири-аъзоларида қан-

қаддан ташқари билимдон бўлиб, еяётган овқатингиздаги ҳар бир лўқманинг қуввати ва дармондорисини ҳисоблайдиган даражага етган бўлсангиз, унда уша лўқмангиз бугунгизда кундаланг туриб қолади.

Кунларнинг бирида таниш шифокорлардан бири менга арз қилганди: шундай мижозлар борки, улар ўз юракларининг ҳар бир зарбини диққат билан кузатадилар. Агар улар зинапоядан юқори чиқаётиб, баногоҳ юраклари тез-тез ура бошласа, дарров таҳликага тушадилар: «Юрак қўргурга нима бўлаяпти ўзи!» Токи уларга юракнинг нима учун шундай тез урганини тушунтирмагунгизча хавотирда юраверишади. Ана шундай билими ошиб кетган мижозларимга қарама-қарши улароқ саксон беш яшар мижозим ҳам бор. Унинг қон босими 230 бирликни ташкил этади.



Лекин у ҳар гал тушадан ҳеч нарса кўрмагандек, тетик ва дадил туриб кетарди. Ётган пайтида эса шифокор нимани айтса, нимани тавсия қилса, шунга риоя қиларди. Ҳар бир гапни ихлос билан тинглар ва беистисно бажарарди. Мабодо «Нима бўлди, отахон, кўрпа-тушак қилибсиз?» деб сурасангиз, «Чалоп ичган эдим, оёқларимга совуқ югур-

хтсизликларига ўзлари «ижодкор» бўлиб қолаверадилар. Жамият манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, дея таклиф қилади шифокор, тиббиётга алоқадор бўлган китобларни фақат мутахассисларгина тушунарли бўлган тилда ёзиб, чоп этиш керак.

М.АБУЛҒАЙЗ
таржимаси

Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

7. ШАЛАБАСАН.


(Давоми. Боши
ўтган сонларда)

Одёл ёки гиламчада қорин билан ётинг. Оёғингиз товони ва қўлларингиз қафтларини юқори қаратинг. Кафтларингизни сонингиз тагига, иягингизни эса полга қуйинг. Энди эса чуқур нафас олинг ва оғирлигингизни кафтларингизга беринг ва оёқларингизнинг баравар ва тиззаларингизнинг букилмаслигига эътибор беринг. Нафасингизни ушлаган ҳолда танангизни оёғингиз товонлари билан юқорида сақланг: бу ҳолатда 5-сония туринг. Бошланишда сиз атиги 2-3 сония турсангиз кифоя. Кейинчалик эса тажрибалар давомида вақтни узайтиришингиз мумкин. Секин-аста ҳаракат билан дастлабки ҳолатга қайтинг. Дам олинг. Сиз бу асанни беш ёки 7 мартагача так-

рорлашингиз мумкин.

ҲОЙДАЛАРИ:

Шалабасан оёқларингизнинг текис бўлишига ёрдам беради. Йўгон ва ингичка ичакларнинг қуввати ошади. Жигар, киндик ва қориндаги касалликларни даволайди. Упка ва белни кучлантиради ва уларнинг фаолиятини яхшилайди. У Херния ва Диабет касалликлари учун аниққаса фойдалидир.



Алижон САҒАРОВ



Қашқадаренинг Қашаи туманида Бадахшон отли қишлоқ бор. Йўлингиз тушиб шу томонларга ўтсангиз кузларингиздан чарчоқ арийди, юзингиздаги ажинлар йўқолади, руҳингиз тетиклашади. «Ия, нега?» дейсизми? Шошманг. Бадахшонда ҳеч қанақа дам олиш уйи йўқ. Фақат текин кўлгу бор. Қишлоқнинг содда афандилари Эшбури ака, Ашур бува, Жаббор Шойим бор экан хангомалар даврандан давратга кўчиб юраверади. Бадахшонликлар бу уч афандининг олдида уйлаброқ гапирадилар, уйлаброқ ҳаракат қиладилар. Акс ҳолда эртасигаёқ ўзлари ҳақида қўшиб-чапиб туқилган хангома кулоқларига етиб келади.

Уруш йиллари. Қаршидан совхозни текширгани бир ўрис опа, изидан опани хурматланган деган бўйруқ ҳам етиб келибди. Дастурхон қуруқ бўлмаслиги учун Саттор Қурбон бир коса шакар топибди. Ўрис опа чойига икки қошиқкина шакар солиб ичгач, Саттор бува: — Борма ичадиган? — деб сурабди. Ҳеч ким индамагач, кумгондаги қайноқ сувни шакар турган идишга ағдарибди-да қўзаб-қўзаб ичиб юборибди. Опа эси оғиб: — Ай Саттар ака, бу шакар менга бир

Кулинг-умрингиз узаяди

йилга етарди-я, — деса, соқол-мўйловиға томган ширани белбоғига арта-арта бува дермиш: — Зато менга бир йил шакар чойди кераги йўқ.

Радио ҳали қишлоққа етиб бормаган кезлар. Бувалар гурунглашадиган Маслаҳат тубанинг олдида шимининг орқа чўнтағига ра-

қишлоқ шумтакалари нуқул товуқ ўғирлаша-гу шу ҳовлини кулай билишарди. Бир куни Эшбури ака сурабди: — Чеча, товуқдан нечта қолди? — А, улсина, ун биттагина товугим бор эди. Абдурайим жувармағ ўғирлайвериб ўн бештагина қопти.

Эшбури ака Потма янгасидан яна сурабди: — Чеча, неччига чиқдингиз? — А, гўрга чикдим. Борган бўлсам ўн олтига бордим-да, — дермиш мома.

БАДАХШОНЛИК УЧ АФАНДИ

диоча солиб бир студент ўтиб қолибди. Ашуланинг қаёқдан эшитилаётганини аңламаган Саттор бува: — Тувба худой, зомонингдан, Бойқовилди уlining кистаси сибизга чалаяпти-яй, — дермиш.

Эшбури ака Норқобил подачининг уйига ҳовлиқиб кирибди: — Ҳа, чеча, улдинг-а, чолингди даштда уч-туртгаси уриб ётганмиш.

Потма мома «Ал-ҳа чолимга ердэм» деб унғпой кавушини сураб даштга човибди. Унинг узоқлашганини билган Эшбури ака аста подачининг зулфиға гузапоё қис-тирилган оғиборини очиб бир қовун, бир тарвузни култиға қистирибдида уйига равона бўлибди. Тарвузни жужуқлари билан ҳалоллаб, кечга томон қовунни кутариб, подачидан «кўнгли сурагани» келибди.

Потма момонинг саводи учгача санаш билан нихояланган эди. Шунинг учунми

Куви пишиб соримой олишда Ортиқ момонинг олдиға тушадигани йўқ. Бир куни «аммасининг» олдиға «гурунға» келган Эшбури ака момонинг кузини шамғалат қилиб дорда илғилик қорин ёғини қуйи-га солди-да чиқди-кетди.

Икки кун ўтиб Ортиқ момани қорин ёғига айтиб кетди. Мома кўп дуолар, панд — насихатлар билан қорин мойини очиб, муқаддас қилиб берди. Чой ичиб бўлин-гач, Эшбури ака:

— Амма, энди шу қогон мойни обкетиб невараларингиз билан бизди дуо қилиб енг, — деди.

Мома уйига келса дордаги ўзининг илиб қўйган қорин мойи йўқ. Эшбури ака тутқазган қорин эса қузиға иссиқроқ кўринди:

— Ҳа, жигит улмагур, — деди нима дея-рини билмай.

Бадахшонлик Жалил буванинг ўғли қу-шиқ айтади. Бир куни рубобини тингир-латиб:

Жалилободим, Жалилобод, — деб ҳирғойи қилаётса, бува: — Улим, энангди отиниям қуш, энанг хафа бўлади, — дермиш.

Жалил буванинг олим ўғли шаҳардан уй-жой олмоқчи бўлибди. Ҳалол ашаётган отадан ийманиб ердэм сурса, бува дер-миш: — Улим, бор давлатим энанг, битта отим, ут ташийдиган эшагим. Шуларга те-магин-да, қоган давлатим сеники.

Бадахшонда кўп ва тез гапиришда ашир малимдан утадигани йўқ. Галиға узидан бошқа тушунмайди. Бир куни малим су-пада зерикиб утирса катта йўлдан эшаги-га бир хирмон ут ортиб Мумин бува ўтиб қопти. Малим йўлни тусиб бува тушунса-тушунмаса бу ёғи Горбачёв, бу ёғи Ельсин қолмай гапни гапни улаб кетибди. Бува толиқиб кетмоққа чоғланиб, эшагини ник-таган экан, малим эшақининг нуқтасидан маҳкам ушлаб, гапида давом этаверибди. Ахийри иссиқдан, оғир юкдан тинкаси ку-риган жонивор гуппа ағанабди.

Утнинг орасидан амаллаб чиқиб олган бува салласи чувалаб дермиш: — Аширбой, бир гап билан эшақни ағ-дардинг, энди бизга жавобми?

СЎНГСЎЗ: а) Бу хангомаларда ном-лари тилга олинган Саттор Қурбон, Норқобил подачи, Фотима мома, Ор-тиқ момалар раҳматли бўлиб кетиш-ган. Уларнинг руҳлари биздан шод бўлсин.

б) Ўзларини хангомалардан топган-лар шикоятлари бўлса Эшбури ака, Ашир малим ва Жаббор Шойимга уч-рашинлар.

Ёзди: Гулжаҳон БАДАХШОНИЙ

Қадриятларимиз

ГУРУНГ-ДА БИР...

— Уни-бун қўйинлар, эшитгансиларми илгари келилар қувё томондагиларинг отини тутма-ган экан.

— Хей-йик, энам аммамни ҳалиям Сори қиз деб чақиради. Аммам оқ-сарикдан кеган-да.

— Ҳи гапирманг, менинг чечам неварали бул-ган қайинисини «бола» деб чақиради.

— Акам шопир-да десангиз. Бир куни бир мо-ма автобусига қўл кутарибди. Акам мошинди тўх-татиб эшиқди очса, ҳалғи мома орқага қараб «Ҳай қиз, чобинг тезроқ» дермиш. Акам ёшроқ қиз бул-са керак, тўхтаб турай, деб қараса човиб келаёт-гани чачи оқарган мома эмиш. У қўл кутарган мо-монинг қайинсинглиси экан-да.

— Қаранг-ай...

— Энам икки гапнинг бирида Кадаган бувам, Торсиллоқ чечам дейвурди. Энди билсам Када-ган бува отам раҳматининг ўтиб кетган катта ама-киси экан. Катта бувам дегани-да. Торсиллоқ чеч-а булса юрганда ер зириллайдиган бўлгани учун шун-дай дейишкан...

— Епирам-ай, бурунгилар қизиқ буган-да...

— Хей-йик, энам амақини «Малиқанинг ота-си» деб чақиради.

— Мени энам амақимди «катта дўхтир» дейди. Урганиб қоғонда.

— Бойноғи, ташқиниклар қайноғасини Мулла ака дейди-ку.

— Мулла ака, яхши-да айтиш.

— Ай тўхтанлар. Менинг гавим қизиқ. Энди келин буп тушганман. Бир куни қайнотам бозор-дан қовун олиб келдилар. Қайним ошдан сўнг қар-шлади. Бир тишлаб «жуда ширин экан», десам гурун қил турганлар жим-м буп қолди. Қаярдан билай «ширин экан-ни яна қайтаришкан. Қарасам, катта қайнаман — моманинг қовоғи тушиб кетди. Овсиним айтмаса билмайман — шу момонинг от-

лари Ширин момо экан. Шу кишининг хурматиға бугун авлод ширин сўзини ишлатмай тотли, мазали деярган-ай...

— Ҳи, биздиям элимиз Егизак тоғаларимди оти-ни тутмай «Катта Егизак», «Кичи Егизак» дейди-да.

— Мони биз ҳужайинимизди Фалончи ака деймиз.

— Ёвой, бош болангизди оти билан айтмайсиз-ма.

— Йўқ.

— Ҳеч бўлмаса бачаларди отаси денг.

— Бизарда, Норпойда аяллар ҳужайинини «Биз-ди уйдагилар» дейди.

— Вой-вой, бизарди қишлоқда «чолим» дейди.

— Ёш бўлсам-а?

— Ёш бўлсам.

— Энди-да отамди оти Пардабой. Некинники энам шу сўзди уйимизда ишлатдирмаган. Дераза, эшик парданиям занависа дегиритиб ургатган. За-нависканинг урикчада парда дегирити ёқинда биз-дим.

— Қойил-ай энангизга.

— Ҳи, сураманг...

— Энамди оти Гиландом момо-да. Шунга уйи-мизда гилам деган сўзни ишлатмаймиз. Агар бир-он нимани изласагу у гиламди устиде турган бул-са «Онови энамди отининг устиде» деймиз.

— Қоронг-ай, ана иззат, ана ҳурмат. Шунчи-нам, илгари меҳр-оқибат қушли булган-да.

— Эса-чи...

— Э, бу тарбиялигини айтмайсизми?

— Болаларгаям таъсири бор-да.

— Ҳе, гурун-да буюм. Бизарда бойноғи...

— Ҳо, қогонини эртан гавлашамиз...

Гули ЖАҲОН

Сўнги устун

«БЕЗОРИ» МЕТЕОРИТ

Австралиядаги Перт шаҳрининг ми-нглаб аҳолиси 3-май куни тонг саҳар-да шовқин ва кучли ёруғлиқдан чўчиб уйғонишди. Беговага халқ бу воқеанинг сабабини билиш мақсадида маҳаллий обсерваторияға кўнғироқ қила бошла-дилар. Аниқланишича осойишталиқни бузувчи, шаҳар устидан 20 км узоқлик-да турган, бир неча қисмлардан ибо-рат метеорит бўлиб чиқди. Обсерва-тория ходимлари бунга қарши тегиш-ли чоралар қўрганлигини эълон қилиб аҳолини тинчлантиришга эришишди.

1 МИНГ 682 МЕТРЛИ АЖДАҲО

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрилик халқ усталари давлатнинг миллий уйинлари байрамида дунёдаги энг катта ва узун аждаҳони ясаш мақсадида 1,5 минг ки-шидан иборат занжир ясамоқчи. Бу занжир байрам кунлари Хитойнинг Пе-кин ва Шанхай шаҳарлари кўчаларида намойиш этилади. 1 километр-у 682 метр узунлиқдаги бу гаройиб аждаҳо-ни ясаш учун эса усталар 8 километр узунликка эга мато сарфлашган. Хи-тогда матолар кўплигини шундан ҳам билса бўлади.

ҲАММА ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ҲАМ МУЗИКАЧИМИ?

Англиянинг «Гардиан» номли газе-таси яқинда уз саҳифасида музикаға иштиёқманд булган давлат раҳбарла-ри рўйхатини эълон қилди. Унда та-ниқли саксафончи, АҚШ президенти Б. Клинтондан ташқари оғизда чалинувчи гармонда куй ижро этишни ёқтиради-ган Р. Рейган, вокалчи ва клавишли музика асбобларида куй ижро этувчи-лар қаторига кирган Италия Бош вази-ри Сильвио Берлускони ва Англия ли-берал партиясининг раҳбари Тони Блейерлар бор. Босния сербларининг лидери Радован Караджич скрипкани макомига етказиб чалувчи сифатида бу рўйхатдан жой олганлигини газета қайд этиб утган. Рўйхатда бошқа Европа дав-латларининг етук сийасатчилари учра-маётгани газета ўқувчиларини ажаблан-тирмоқда. Чунки Россия конституцион судининг собиқ раиси Валерий Зор-кин фортепианода жуда яхши чалган. Рақсга тушишда эса Москва мэри Юрий Лужковдан утадиган сийасати бўлмаса керак.

20 МИНГ ЁШЛИ ҲОР

Яқинда мутахассислар жанубий Франциянинг Валлон-Понт д Арк шаҳ-ри яқинда гаройиб бир горни топиш-ди. Аниқланишича, бу горни уч юздан ортиқ турфа хил тасвирлар, шакллар беэаб турган экан. Мутахассислар бу кўҳна «музей»ни 20 минг ёшда деб тах-мин қилмоқдалар. Ласкауик, Алтамира ва Испаниядаги машҳур горларга те-нглаштиришмоқда. Ажабланарлиси, бу горда ҳайвонлар суяғидан қилинган пи-чоқлар, узоқ тарихдан дарак берувчи излар, турли хил топилмалар асл ҳо-лича сақланган.

Матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майdonи, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Эркин ЭШОНҚУЛОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0218. 23566 нусхада чоп
этилади. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.